

## МАҚОЛЛАРДА ЛИБОС НОМЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Холиқова Ҳафизахон Воҳидовна

Фарғона давлат университети

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мақолларда қўлланилган либос номлар орқали сўз манипуляциясининг вужудга келиши ёритилиб берилган. Мисоллар орқали изоҳланган.

**Таянч атамалар:** мақол, маъно, салоҳият

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается возникновение словесных манипуляций через прозвища, используемые в пословицах. Объясняется на примерах.

**Основные термины:** пословица, значение, потенциал

### ABSTRACT

In this article, the emergence of word manipulation through nicknames used in proverbs is highlighted. Explained through examples.

**Keywords:** proverb, meaning, potential.

Ўзбек тилида сўзнинг қудратига, унинг бузувчилик ва тузовчилик кучига алоҳида эътибор бериб келинади. Кишилиқ жамиятида сўз шундай қуролга айланганки, халқ уни яхши англаб, сўзнинг мақомига тўғри баҳо беради. Айниқса, “Сўзнинг мағзига боқ, мағзи бўлмаса, **этагинг** қоқ”, “Иссиқ **кийим** танни илитар, иссиқ сўз жонни илитар”, “Сўз берганга эргашма-бўз берганга эргаш”, “Оғзидан сўзи тушганинг, қўлидан бўзи тушар” <sup>1</sup>сингари халқ мақоллари тил ва нутқда нақадар улкан салоҳият борлиги мато хусусияти орқали воқеланган. Хусусан, “Куч эгмагани сўз эгар”, “Сўзлаганга қарама-сўзлатганга қара”, “Сўзи ўлганинг-ўзи ўлар”, “Жўяли сўз жўясин топар, жўясиз сўз иясин топар” (ияси-эгаси маъносида келаяпти-Ш.Ж.) сингари ҳикматли сўзларда сўзнинг қудрати, сўз билан етказилган яранинг жароҳати оғир эканлиги, алалхусус, сўзнинг манипуляция қилиш имкониятига урғу берилмоқда. Сўз манипуляцияси қуйидаги мақолларда ўзига хос маъноларни ифодалайди:

<sup>1</sup>Ҳикматнома. Ўзбекистон энциклопедияси. Т.1990. 381-382 б.

1. Ҳаётӣ вазиятларда ишонувчанлик, бировнинг таъсирига тез берилиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолат халқ мақолларида қуйидаги тарзда ифодаланади: “Бир кўрган юз эшитгандан яхши”, “Ишонган тоғда кийик ётмас”, “Ишониш билан касал бўлсанг, умид билан тузаласан”, “Куф-суфчига ишонсанг ҳам, хўп хўпчига ишонма”.

2. Айрим мақолларда шахс индивидуализми, эгоцентрик ғоялар қораланади, яқдиллик, жамоа манфаатига ҳурмат, дахлдорлик тарғиб этилади: “Бахил тўймас, ўғри бойимас”, “Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар”, “Бир тупурса, не бўлар, Ел тупурса кўл бўлар”.

3. Сўз ҳамда фикрнинг яратувчи ва бузғунчи функциясини юзага келтирган айрим мақолларда ҳаёт тажрибаси яширинган бўлади. Сўздан, яъни ўйланмай айтилган гапдан оғири йўқлиги, нотўғри фикр яхшини ёмон, дўстни душман қилишини қуйидаги мақол мазмунидан ҳам билиш мумкин: “Дунёни ел бузар, одамни – сўз”, “Одам сўзи билан синалар, ош – тузи билан”, “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”.

4. Ўзбек мақолларининг аксариятида меҳнат феномени юзага чиқади. Меҳнатсеварлик инсонни улуғлаши, тарбиялаши, уни шаклланишига хизмат қилиши уқтирилади: “Ари захрин чекмаган, бол каддини билмас”, “Бекорчининг бети йўқ, қозон озар эти йўқ”, “Аравани от тортар, кўланкасин ит”, “Бир қўллаб эксанг, икки қўллаб ўрасан”, “Бировнинг бергани кўргулик, меҳнатнинг бергани тўйгулик”, “Бўйнидан боғланган ит овга ярамас”, “Гап десанг қоп қоп, иш десанг Аштархондан топ”, “Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши кетмас”.

Мақолларда яхши билан ёмон, эзгулик билан ёвузлик, рўстгўйлик билан ёлғончилик, адолатпарварлик ва шу каби инсонга хос хусусиятлар кўпинча таққослаб ифода этилади. Масалан, “Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади”. Жуда кўп мақолларда феъл сўз туркумлари буйруқ шаклида қўлланилиб, тингловчига нисбатан буюриш, илтимос қилиш, панд-насихат қилиш, тилак-истак билдириш маъноларини англатади. “Хайр қилсанг, бутун қил”, “Ёмғирда от танлама, ҳайитда қиз”. Луғатнинг қиймати шундаки, у халқнинг тил бойлигини намоёиш этади ва халқнинг тил бойлигини намоёиш этади ва халқларнинг урф одатларини, феъл атворини, руҳиятини, ўтмиш тарихини ва бошқа хусусиятларини яқиндан ўрганишга кўмаклашади. Асрлар оша сайқал топиб келган миллий урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви ҳаётӣ зарурият, яъни аниқроқ айтганда, демократия тамойиллари миллий қадриятларимизни шакллантириши, уларни янада такомиллашуви ва гуллаб-яшнашига хизмат қилмоғи зарур. Бунда айниқса тил эгаларининг бўёқдор, сержило мақоллар мазмунини англаши, билиши муҳимдир. Чунки мақоллар халқнинг ҳаётӣ муаммолари меҳнат машаққати, ғам

андухи, роҳат фароғати, муваффақият ва мағлубияти, расм-русумлари ҳамма-ҳаммаси кўзгудагидек акс этиб туради. Бу кўҳна халқ билан бирга олиму уламоларнинг, фозилу фузалоларнинг, хассос шоирларнинг ҳиссалари катта бўлиб, улар мақоллар таркибида халқ мулкига айланган. Уларни билиш ва амал қилиш эса ёшларда ижобий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI: (REFERENCES)

1. Yuldasheva D.M. Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Shildren. Solid State Teshnology. Volume: 63 Issue:6 Publisation Year:2020. 14221-14225
2. Yuldasheva D.M. Anthropocentris Approach To Shildren`S Speesh Study. Sestion 2: Linguistiss Theory, Applied Linguistiss. Sollestion Of Materials Of The International Online Sonferense. Www.Researsh-Support-Senter. Som 2020.92-95
3. Yuldasheva D.M. The Methods Of Speesh Development Of Preschool Shildren. Epra Internashinal Jurnal Of Multidissiplinary Researsh(Ijmr). Impast Fastor: 7.6.11. November.
4. Юлдашева Д.М. Использование зоонимов в колыбельной песне-«алла», как аспект этнолингвистики. cyberleninka.ru
5. ДМ Юлдашева, Д Асқарова, М Зоҳидова. Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лақуна. Academic research in educational sciences 2
6. D Yuldasheva. Anthropolcentric approach to children's speech study. Конференции.
7. YD Maxamadaliyeva, M Matmusaeva. On Lingvofolcloristic Units. International Journal of Culture and Modernity 11, 169-171
8. YD Maxamadaliyeva, MX Madaminovna. Gnoseological Substantiation of Cognitive Development Children. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 2 (4), 7-11
9. YD Maxamadaliyeva. Use Of Presidential Names In Uzbek Children's Texts. gospodarka i innowacje. 22.
10. D Yuldasheva, S Umarova . Maktabgacha Ta`lim Tizimida O`Yinlar Texnologiyasi. Scientific progress 3 (2), 746-751
11. ДМ Юлдашева. [Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари](#). Международный журнал/ Искусство слова.
12. Yuldasheva D.M. Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Shildren. Solid State Teshnology. Volume: 63 Issue:6 Publisation Year:2020. 14221-14225
13. Yuldasheva D.M. Anthropocentris Approach To Shildren`S Speesh Study. Sestion 2: Linguistiss Theory, Applied Linguistiss. Sollestion Of Materials Of The International Online Sonferense. Www.Researsh-Support-Senter. Som 2020.92-95
14. Yuldasheva D.M. The Methods Of Speesh Development Of Preschool Shildren. Epra Internashinal Jurnal Of Multidissiplinary Researsh(Ijmr). Impast Fastor: 7.6.11. November.

15. Юлдашева Д.М. Использование зоонимов в колыбельной песне-«алла», как аспект этнолингвистики. cyberleninka.ru
16. ДМ Юлдашева, Д Асқарова, М Зоҳидова. Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лақуна. Academic research in educational sciences 2
17. D Yuldasheva. Anthropocentric approach to children's speech study. Конференции.
18. YD Maxamadaliyeva, M Matmusaeva. On Lingvofolcloristic Units. International Journal of Culture and Modernity 11, 169-171
19. YD Maxamadaliyeva, MX Madaminovna. Gnoseological Substantiation of Cognitive Development Children. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 2 (4), 7-11
20. YD Maxamadaliyeva. Use Of Presidential Names In Uzbek Children's Texts. gospodarka i innovatsye. 22.
21. D Yuldasheva, S Umarova . Maktabgacha Ta'lim Tizimida O'Yinlar Texnologiyasi. Scientific progress 3 (2), 746-751
22. ДМ Юлдашева. [Синтактик такрорларнинг бадий-эстетик имкониятлари](#). Международный журнал/ Искусство слова.
23. Abramova G.A. Medical vocabulary: basic properties and development trends: dis. ... doctor of philological sciences. Krasnodar, 2003.312 s.
24. Barbasheva S.S., Avramenko A.A. Features of the translation of abbreviations in an English-language medical text (based on the terminology of cardiology) // Bulletin of the Samara Scientific Center of the Russian Academy of Sciences. 2011. No. 2 (4). S. 911-916.
25. Bredikhin S.N., Bobrovsky I.N. Specificity of terminization of concepts in medical institutional discourse: translation aspect // Modern problems of science and education. 2015. No. 1-2. S. 180-188. On the issue of borrowing in German medical terminology// Proceedings of young scientists of the Izhevsk Medical Institute. - Izhevsk, 1995 .-p. 19-23.
26. Litovchenko V.I. Classification and systematization of terms // Bulletin of the Siberian State Aerospace University. Academician M.F. Reshetnev. 2006. No3 (10). S. 156-159.
27. Nurzhanova Z.M. Problems of translation of medical terms // Modern trends in the development of pedagogical technologies in medical education. University pedagogy. 2015.S. 575-578.
28. Ryabova EA Theoretical aspects of the study of terms // Bulletin of Moscow State Regional University. Series: Linguistics. 2009. No. 2. P. 86-91.
29. Sdobnikov VV Translation and communicative situation: monograph. M .: FLINT: Nauka, 2015.446 s.
30. Tokareva M.V. Formation, development and current state of the English terminology of nephrology and urology: dis. ... cand. philological sciences. Omsk, 2003.207 s.